

TOSHKENT HAQIQATI

2025-yil
10-dekabr
CHORSHANBA
№ 94 (13855)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Аҳоли кайфияти – савий-ҳаракатларимизга баҳо берувчи бош мезон



Кун тартиби

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раҳбарлигида навбатдаги кенгайтирилган "Ҳокимлик соати" йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлар мудири, вилоят бошқарма ва ташкилотлар раҳбар-

лари, шунингдек, ҳудудий студиялардан туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда тегишли ташкилотлар мутасаддилари иштирок этишди. Йиғилишда "ljo.gov.uz" тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, мажлис баёнларида берилган топшириқларнинг вилоятдаги ижро ҳолати муҳокама қилинди. Топшириқлар ижросида су-


кашлик ҳолатларини тезкор бар-тараф этиш бўйича масъуллар зиммасига кечиктириб бўлмас вазифалар юкланди. Маълумки, қиш-баҳор мавсуми учун озиқ-овқат захирасини шакллантириш бевосита нарх-наво барқарорлигини таъминлайдиган, аҳоли кайфиятини белгилайдиган гоёат аҳамиятли вазифадир.

(Давоми 2-саҳифада)

Эксклюзив тухфа

Шу йилнинг 21 декабрь куни – ялдо кечаси босилиб чиқиши кутилаётган ушбу асар ҳақида босма ахборот воситалари ("Jadid", "Hurriyat")да, шунингдек, ижтимоий тармоқларда хабарлар тарқалди. Юқорида номлари зикр этилган газеталарда янги китобдан айрим парчалар ҳам эълон қилинди. Асар мазмуни ҳамда унинг муаллифи кимлиги ҳақида турли-туман фикр-мулоҳазалар ва таҳминлар билдирилмоқда.

"Ялдо кечаси": ФАВҚУЛОДДА ҒАРОЙИБ ТАРИХИЙ РОМАН



Романи чоп этилган "Хаувар-25" нашриётидаги ҳамкор дўстларимизнинг ишончи ва марҳамати билан каминга асарни қўлёзма ҳолида ўқиб чиқишга муяссар бўлдим. Бу хусусдаги таассуротларимни, насиб қилса, кейинроқ батафсил баён этарман.

Шу ўринда нашр муқовасида одатга хилоф тарзда аниқ бир муаллифнинг исм-фамилияси кўрсатилмаганини, балки роман сўзбошида "бу китоб аслида бундан юз-юз эллик йиллар муқаддам, миллатнинг виждони пок, иймони бутун фарзандлари томонидан ёзилган"и таъкидланганини айтиш лозим.

Ҳўш, она юртимиз – гўзал ва бенаво Туркистоннинг сўнгги бир ярим асрлик машъум, изтиробли тарихини ўзида мужассам этган бу замон қандай давр эди?

Бу саволга мумтоз адабиётимизнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган беназир намоёнчаси Муҳаммад Шариф Гулҳанийнинг асарга эпиграф қилиб олинган "Бу нечук тунким, они тонга йўқ, Ё муаззинларининг бонги йўқ" деган сатрлари орқали яққол жавоб топиш мумкин, деб ўйлайман.

Яъни, истибод тунлари шундай узоқ давом этадики, гўё уларнинг ниҳояси – тонги йўқдек, инсонларни уйғоншига, ғафлат ва жаҳолатдан халос бўлишга чорлайдиган муаззинларнинг ҳам бонги – овози мутлақо эшитилмайдигандек туюлади.

Ҳақиқатан ҳам, бу сўзлар ёвузлик салтанати томонидан истило ва ғорат қилинган, таланган ва таҳқирланган эл-юртимизнинг рамзий маънодаги ялдо кечалари моҳиятини теран очиб бериши билан эътиборлидир.

Ҳурматли муштарийлар, энди гапни узайтириб ўтирмасдан, муддаога ўтсак.

"Хаувар-25"даги хайрихоҳ биродарларнинг илтифоти билан "Ялдо кечаси" ("Ўткан кунлар"га илова) асарининг "Тошканд ва тошкандликлар" номли боби газетамизда чоп этилмоқда.

Тахририятимиз ва ўқувчиларимиз номидан нашриёт жамоасига самимий миннатдорлик билдириб, барчамиз ушбу фавқулодда ғаройиб тарихий романнинг тезроқ босилиб чиқишини муштоқлик билан кутиб қоламиз.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

4

Viloyat bo'ylab

TOSHKENT viloyati bojxona boshqarmasida "Aksikorrupsiya oyligi" doirasida "Korrupsiyaga qarshi kurashish – barchamizning burchimiz" mavzusida davra suhbatini tashkil etildi. Yig'ilishda ayrim xodimlarning korrupsiyon holatlarga aralashib qolgan, pora olib parokanda bo'lganiga doir misollar tanqidiy tahlil qilindi. Kelgusida bu kabi kamchiliklarning oldini olish yuzasidan mas'ullarga aniq ko'rsatma va topshiriqlar berildi.

Viloyat hokimining birinchi o'rinbosari Otabek Tursunov boshchiligidagi ishchi guruh tomonidan CHINOZ tumanidagi qurilish, obodonlashtirish va sanoat loyihalarining holati o'rganildi. Jarayonda ko'p qavatli uylarni renovatsiya qilish, madaniyat bo'limi binosini ta'mirlash, "Yoshlar bog'i"ni yangilash, bozor hududini tartibga keltirish, 24/7 xizmat ko'rsatish ko'chasi hamda sanoat korxonalarini kengaytirish, shuningdek, qishloq xo'jaligi, xizmat ko'rsatish va ta'lim infratuzilmasini rivojlantirishga qaratilgan loyihalar ko'rib chiqildi.

ZANGIOTA tumanidagi ijtimoiy soha ob'ektlari hamda mahallalarda tabiiy gaz bilan ta'minlanganlik darajasi Bosh prokuror o'rinbosari S.Samadov boshchiligidagi ishchi guruh tomonidan o'rganildi. Shuningdek, ishlab chiqarish korxonalarida tabiiy gazdan foydalanish holatlari ko'zdan kechirilib, aholi bilan tushuntirish ishlari olib borildi.

YANGIYO'L tumani hokimi O.Ataullayev rahbarligidagi mutasaddilar "Yangiyo'ltumangaz" GTB navbatchilik qismining ish faoliyati, avariya holatlari uchun texnika va ish qurollarining shayligi, suyuqtilirilgan gaz omborining holatini o'rganishdi. Aholiga tabiiy gazni bir me'yorda yetkazib berish, gaz taqsimlash nuqtalarini nazoratsiz qoldirmaslik, murojaatlarga tezkorlik bilan ijobiy yechim topish borasida ko'rsatma va topshiriqlar berildi.

OQQO'RG'ON tumani tibbiyot birlashmasiga qarashli ko'p tarmoqli markaziy poliklinika xodimlari "Eltamg'ali" mahallasida xonadonna-xonadon yurib, aholining ehtiyojmand qatlamini chuqurlashtirilgan tibbiy ko'rikdan o'tkazishdi. Jami 23 nafar oila ko'rikdan o'tkazildi. Shundan 5 nafar fuqaroga ambulator, 2 nafariga stasionar davolanish uchun yo'llanma berildi hamda poliklinika tomonidan bepul dori-darmon bilan ta'minlandi.

Янги бино, замонавий қулайликлар

Чирчиқ шаҳрида "Мурувват" маҳалласи янги биносининг очилиш тадбири бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокими, тегишли ташкилотлар масъуллари, маҳалла нурунийлари ҳамда фаоллар иштирок этишди.



Яхши хабар

Лойиҳа учун шаҳар ҳокимлиги томонидан етарли маблағ ажратилиб, замонавий талабларга мос, барча қулайликлар-

га эга бино барпо этилди ва тўлиқ жиҳозланди. Янги бино фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида қа-

бул қилиш ва ҳал этиш, шунингдек, ҳудудни самарали бошқариш тизимини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Бинода маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва масъул ходимлар фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»
газеталарига **2026 йил учун ОБУНА БЎЛИНГ!**
Йиллик обуна баҳоси (тўғридан-тўғри тахририят билан шартнома қилинганда):
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 896 300 СЎМ;
«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 586 200 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 205
Нашр кўрсаткичи – 207
Етказиб бериш хизмати ичида.



«Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳафтада икки мартаба – chorshanba ва shanba кунлари, «Ташкентская правда» газетаси эса жума кунини чоп этилади.

Обуна тахририятда, почта филиаллари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларда расмийлаштирилади.
Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35

Аҳоли кайфияти — саъй-ҳаракатларимизга баҳо берувчи бош мезон



Вилоят аграр тармоғида бу йил сабзавот ва картошкачиликда, шунингдек, бошқа кундалик истеъмол қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича баракали ҳосил етиштирилди. Ҳар бир ҳудуд бўйича маҳсулотларнинг тегишли захирасини яратиш, уларни бозорларда маҳсулот қаммайган, халқ таъбири билан айтганда, "илиқузилди" пайтларда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

пешма-пеш арзон нархларда пештахталарга чиқариш, шу тариқа нарх-наво ошмаслигини таъминлаш маҳаллий ҳоқимликлар фаолиятининг муҳим йўналишидир.

Қайд этиш жоиз, вилоятдаги омборлар ва тайёрлов-сақлов корхоналарида шу кунгача маҳсулотларнинг катта захираси жамғарилган. Аввалроқ вилоят ҳокими саховатли кузиниқ пишиқ-

чилиқ палласидан бошлаб ҳар бир ҳудуднинг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича қўшимча захираси бўлиши шартлигини, бунинг учун яратилган имконият ва берилган моддий ресурсларни тўғри йўналтириб, ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ маҳсулот жамғариш топшириғини берган эди.

Бу масала юзасидан тузилган ишчи гуруҳнинг ўрганишлар натижалари бўйича ҳисоботи тингланиб, камчиликка йўл қўйган мутасаддилар жиддий оғохлан-тирилди ва маҳсулотлар ўрнини зудлик билан тўлдириб қоралари белгиланди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги жамғармасидан ажратилган имтиёзли кредитларни қайтариш, вилоятда вояга етмаганлар

қўйдасига алимент ундириш ҳолатлари ҳам атрофлича таҳлил қилиниб, бу йўналишлардаги ишларни доимий назоратда тутиш лозимлиги таъкидланди.

Зойир Мирзаев йиғилиш иштирокчилари эътиборини қилиб келатган Янги йил байрамига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш, соғиниб қутиладиган байрамни аҳолига чинакамига ҳуш кайфият улашиб қаршилаш зарурлигига қаратди.

Шу муносабат билан вилоят раҳбари тегишли масъулларга, ҳоқимларга барча ҳудудларда Янги йил тадбирлари ва байрам томошаларини уюшқоқлик билан, пухта сценарийлар асосида ўтказиш, арча майдонларидаги тадбирларнинг гоёвий-бадий савиясига алоҳида эътибор қаратиш,

Янги йил тимсоллари бўлган эртак қаҳрамонлари иштирокидаги ҳар бир томошани одамларга, болақонларга манзур қилиш бўйича ўз тавсияларини берди.

Шу билан бирга, бозорларда нархларнинг асосий ошишига йўл қўймаслик, арзонлаштирилган савдо ярмаркаларини йўлга қўйиш, байрам томошалари ўтказиладиган ҳар бир майдон ва масканда хавфсизлик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, давлат идораларида туну кун навбатчилик ва тезкор хизматларни ташкил этиш, коммунал соҳалар бўйича штаблар фаолиятини қучайтирилган режимида давом эттириш бўйича бир қатор топшириқлар берилди.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги Ахборот хизмати

▼ Ҳамкорлик

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ACWA Power компанияси асосчиси ва директорлар кенгаши раиси Муҳаммад А.Абунайян билан музокара ўтказди.

Истиқболли лойиҳалар сари амалий қадам



ACWA Power — Саудия Арабистонининг етакчи энергетика компанияси бўлиб, электр энергияси ишлаб чиқариш, сувни чучуқлаштириш ҳамда қуёш ва шамол энергетикаси, "яшил водород" йўналишидаги қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини ривожлантиришга ихтисослашган.

2004 йилда ташкил этилган ва бош офиси Ар-Риёд шаҳрида жойлашган компания Яқин Шарқ, Африка ва Осиёнинг 12 дан ортқ мамлакатда стратегик лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Учрашув давомида томонлар ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга доир долзарб масалаларни, шунингдек, Тошкент вилояти ишбилармонлар делегациясининг Саудия Арабистонига бўлажак ташрифи дастури бўйича тафсилотларни муҳокама қилдилар.

Ташриф доирасида Саудия-Ўзбекистон бизнес-форуми, Тошкент вилояти корхоналарининг маҳсулотлари кўргазмаси, шунингдек, Саудия Арабистонининг давлат идоралари ва йирик компаниялари вакиллари билан бир қатор учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Маълумот учун: 2025 йил январь-октябрь ойларида ўзаро савдо ҳажми 133,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди (экспорт — 13,1 млн. доллар, импорт — 120,5 млн. доллар). Ҳозирги кунда Ўзбекистонда саудиялик инвесторлар иштирокида 32 та корхона фаолият юритмоқда, шундан 17 таси хорижий, 15 таси қўшма корхоналардир.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги Ахборот хизмати

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 9 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш, интенсив аэротехник усуллари қўллаш орқали юқори ҳосилдорликка эришиш, эл-юрт фаровонлигини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илгор инновациялар ва замонавий илм-фан ютуқларини амалиётга кенг жорий этиш, ер ва суе ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулотларни сифатли қайта ишлаш, юртимиз экспорт салоҳиятини ошириш йўлидаги самарали фаолияти, малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«Меҳнат шўхрати»
ордени билан

Юсупов Гафуржон — Бекобод туманидаги «Юсупов Обид файз» кўп тармоқли фермер хўжалиги иш бошқарувчиси

«Дўстлик»
ордени билан

Хамидуллаев Абдулла — Бўстонлик туманидаги «Escalade biznes invest» масъулияти чекланган жамияти директори

Холмурадов Акмал Арслано-вич — Қўйи Чирчиқ тумани ҳокими

«Жасорат»
медали билан

Хасанов Аваз Таджикүлов-вич — Бекобод туманидаги шахсий томорқа ер эгаси

«Шўхрат»
медали билан

Джуманазарова Комила Сайдахматовна — Ўрта Чирчиқ туманидаги «Достонбек Азизбек агро» кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи

Досмухамедова Мухайё Хуснитдиновна — Тошкент давлат аграр университетининг умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедраси профессори

Илхамбеков Кахрамон Касимжонович — Юқори Чирчиқ туманидаги «Есо agro product» боғдорчилик фермер хўжалиги бошлиғи

Надиров Абдуқадир — Оҳангарон туманидаги «Тараққиёт Бахтиёр» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Хамидов Одил Раҳимжонович — Пискент туманидаги «Уч авлод» фермер хўжалигининг пахта териш комбайни механизатори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонида шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 33 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва ту-

залиш йўлига қатъий ўтган 615 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 220 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 123 нафари жазони ўташдан муддатидан

илгари шартли озод қилинди, 97 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 175 нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 9 нафарини чет эл фуқаролари, 29 нафарини аёл, 23 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 264 нафарини ёшлар (шулардан, 2 нафари вояга етмаганлар) ҳамда

9 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этди.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги Ахборот хизмати

▼ Президент топшириғи амалда

МАҲАЛЛА БАНКИРЛАРИ АҲОЛИГА КЎМАК БЎЛЯПТИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий тенгликни мустақамлаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, вилоятларда камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда бандлик даражасини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ушбу жараёнда ҳудудларнинг

иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш, касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

— Қуён тез кўпаяди, лекин касалликка осон чалинувчан, — дейди Феруза опа. — Қизиқишим бора-бора даромад манбаига айланади, деб уйламаганим. Қуёнларим Германиядан келтирилган, бари зотдор. Уларни гўшт ёки териси учун эмас, зот олиш учун кўпайтираман. "Огёнённий", "Бургунд", Япон пандаси", "Голд" зотлари бор. Ҳозирда уларнинг сони 30 тага етди, шулардан 19 таси она қуён. Бирваракайига 4-5 тагача болалайди. Алоҳида қаров бўлса тез катта бўлиб, чироили кўринишга келади.

Шу маҳаллалик Матлуба Қаюмова эса уйда тикувчилик билан шуғулланарди. Банкандан олинган 10 миллион сўм кредит билан ишларини бошқа устахоналарга бориб бинонинг иккинчи қаватидан жой олиб, тикув машиналари харид қилди. Ҳозирда буюртмага турли кийимлар тикияпти. Яна кредит олиб иш ўрни яратиш ниятида.

Кўчқоров Фахриддин қўли гул хунарманд. Уйда турли юшмоқ меҳнатлар ясарди. Узда зарур техникалари бўлмагани сабабли ярим ишларини бошқа устахоналарга бориб буюртма асосида тайёрлатиб келарди. Банкандан кредит олиб, тахтага наклейка ёпиштирадиган ускуна сотиб олди. Авваллари ўзи бориб фойдаланган хизматни ҳозирда бошқа усталарга кўрсатаяпти. 3 нафар шогирди эса буюртмалар билан машғул.

Фахриддин аканинг аёли Турдигул Ражабова цехда ёрдам бериш билан бирга, устахонанинг иккинчи қаватида ўз бизнесини бошлаган.

— Сунъий гуллар ясаш билан 4 йилдан

бери шуғулланаман, — дейди у. — Олдин битта, кейин иккита буюртма олиб, ишим юришиб кетди. Халқ банки агенти Шаҳноза опанинг ёрдами билан олинган 33 миллион сўм кредитга хом ашё харид қилиб, маҳсулот турини кўпайтирдим. Ҳозир сунъий гулларга талаб катта. Айниқса, байрамларда буюртмалар кўпаяди. Гулларини 40 мингдан 1 миллион сўмгача нархда сотилади. Яқин орада шогирд олиш ниятим ҳам бор.

Маҳаллаларда янги лойиҳаларни шакллантириш ва молиялаштириш учун бириктирилган маҳалла банкирлари аҳоли билан ишлаётганини юқоридаги мисолларда кўришимиз мумкин. Улар хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг қизиқиш ва имкониятларини ўрганмоқда. Шунингдек, тадбиркорликни бошлаш учун зарур маслаҳатлар бериб, ўз бизнесларини йўлга қўйишга кўмаклашишмоқда.

Маълумот учун, бугунги кунда Қўйи туманида "Камбағал оилалар реестри"ни шакллантириш мақсадида 4 минг 521 та оила сўровномадан ўтказилиб, 1 минг 963 таси реестрга киритилди. Туман бўйича 12 минг 942 та оилалар индивидуал хизматлар кўрсатиши натижасида улардан 778 тасини камбағалликдан чиқаришга эришилди. Пировардда 1 ноябрь ҳолатига туманда камбағаллик даражаси йил бошидаги 7,7 фоиздан 2,6 фоизга қисқарди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Меҳриддин ИБРАГИМОВ
олган суратлар

Маблағни банкда эмас, "сандикда айлантириш тажрибаси": Паркентда ердан самарасиз фойдаланишнинг аянчли оқибатлари танқидий таҳлил қилинди

Хабарингиз бор, вилоятда ҳафтанинг шанба санаси "Фермерлар куни" сифатида белгилаб, қишлоқ хўжалиги тармоқларида ислохотлар ва жорий вазифаларнинг бориши бевосита ердан фойдаланувчилар ва мутасаддиларнинг юзма-юз мулоқотлари орқали чуқур таҳлил этиб борилади.

Фермерлар куни

Паркент туманида сана муносабати билан навбатдаги кенгайтирилган мулоқот ўтказилди. Асосий эътибор маърузаси – узумчилик, мева-сабзавот, картошкачилик ва чорвачилик тармоқлари таҳлиliga йўналтирилди.

Мулоқотда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев раҳбарлигидаги соҳа мутасаддилари, хукуқ-тартибот идоралари раҳ-

бар-йўғи 26,4 минг тонна (37 фоиз) ни ташкил этмоқда. Энг ёмони, сўнги уч йилдаги кўрсаткичлар бу ҳолат сунурали тус олаётганини кўрсатади. Бунинг асл сабаби ҳосил камлигида эмас, ўзбошимчилик ва хўжасизлик оқибати экани аниқ рақам ва мисоллар орқали очиб берилди. Масалан, 45 минг тонна узум нақд пулда сотилиб, хи-

лида қолиб келмоқда. "Ақлли сув" қурилмаларининг 3 таси ишламайди. Сувдан ноқонуний фойдаланиш ҳоллари кўпаймоқда. Ирригация тизимларининг катта қисми тозаланмаган, бетонлаш ишлари режаси фақат 14–15 фоизга бажарилган, холос.

Туманда 1 минг 428 та хўжалик учун зарур техникаларнинг 80 фоизи йўқ. Боғ ва ток қатор



барлари, солиқ, банк-молия тизими мутасаддилари, туман масъуллари, фермерлар, шунингдек, ҳудудий студиялардан мева-сабзавотчилик йўналишидаги туманларнинг соҳа вакиллари иштирок этишди.

Мулоқотда вилоят ҳокими махсус ишчи гуруҳ томонидан Паркент туманида ўтказилган кенг қўламли ўрганишлар натижаларидан келиб чиқиб, таҳлилий-танқидий маъруза қилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, туманда қишлоқ хўжалиги бошқаруви йиллар давомида аста-секин издан чиқиб бормоқда, ҳисоботларни сохталаштириш, ерлардан фойдаланишда ўзбошимчилик илди олмақда, ижро назорати суст. Аксар хўжаликлар маблағни банк ҳисоб-рақамларидан эмас, образли айтганда, сандикда ё "гилан остида" айлантиришмоқда.

Фермерлар ва давлат идоралари ўртасида боғлаштирилган, фермерларнинг қарий 80 фоизи соҳага доир қарорлар, татбиқ этилаётган янгиликлар, ислохотлар моҳиятини тўла англаб етмаган.

Масалан, туманда 10,5 минг гектар узумзор мавжуд, шундан 5,7 минг гектари ҳосилли.

Жорий йил 71,6 минг тонна узум етиштирилиши режа қилинганга қарамай, амалда

суботлардан яширилган, натижада туман бюджети камида 10 млрд. сўм солиқдан маҳрум бўлган.

Кўплаб фермер хўжаликларини расмий иш ҳақи тўламайди, экспорт қилмайди ва ҳисобот тақдим этмайди.

Йўналишда бундай хўжаликлар фаолиятига доир ўнлаб мисоллар келтирилди. Туманда картошка етиштириш охириги икки йилда кескин қисқариб кетган, помидор ҳосилини ҳам "ашириш" авжида.

Ҳолбуки, бозорлар Паркент помидорига тўла. Амалда 9 минг тонна маҳсулот етиштирилган, лекин ҳисоботларда фақат 361 тоннаси кўрсатилган, холос.

Экспорт ва қайта ишлаш корхоналари билан шартномалар тузилмаган, савдо асосан нақд пулда амалга оширилган. 850 гектар боғ-роғлар бузиб юборилганга қарамай, ҳануз янгиланмаган, аксинча, айрим ҳолларда улар ўрнида бошқа экинлар ўзбошимчилик билан қойлаштирилган.

20 та ердан фойдаланувчи томонидан 22 та контурда 0,6 гектар ер ноқонуний эгаллаб олинган, 0,33 гектарида ноқонуний қурилишлар барпо этилган.

Боғ ва далаларни сув тежовчи технологиялар билан таъминлаш ишлари ҳам ўз ҳо-

раларига ишлов бериш учун 3 мингдан ортиқ мини тракторга эҳтиёж бўлсада, охириги 5 йилда техникалар хариди деярли амалга оширилмаган.

Чорвачиликда ҳам аҳвол бундан яхши эмас: Масалан, 2 та фермер хўжалигида 297 гектар ер бор, аммо бир бош бундан қорамол йўқ. Кўплаб хўжаликларнинг ер майдони мол сонига нисбатан номуносиб. Сут маҳсулдорлиги эса режага нисбатан 50–60 фоиз атрофида.

Қишлоқ хўжалиги экспорти бўйича ҳам паркентлик фермерларда яхши ташаббуслар, амалий натижалар кўринмаётти.

Текширув натижалари туманда шошилинч чоралар қўрилиши, қатъий назорат ва фаолиятсиз хўжаликларни қайта ташкил этиш зарурлигини тақозо этади.

Шу боис, вилоят ҳокими вазиятни қисқа фурсатда ўнглаш, яқин истиқболда Паркентнинг аграр соҳадаги довругини тиклаш бўйича мутасаддиларга қатор топшириқлар, тавсия ва маслаҳатлар берди.

Мулоқотда хўжалик раҳбарлигида ҳам сўз берилиб, мавжуд вазиятга изоҳ сўралди, муаммо ва масалалар бўлса, уларга ҳар тарафлама кўмак кўрсатиш бўйича ишчи гуруҳга вазифалар юклатди.

Ўз муҳбиримиз

ТЕЗЛИК ЧЕКЛОВИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ КЕРАК

Сўнги йилларда Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида ҳайдовчилар орасида бир савол кўп муҳокама қилинмоқда: нега тезлик чеклови 70 км/соатдан 60 км/соатга туширилди ва бу қарор оқибатлари қандай бўлди? Расман бу чеклов йўл ҳавфсизлигини ошириш мақсадида жорий этилгани айтилган. Бу тушунарли. Аммо амалиётда ушбу ўзгаришнинг қутилмаган, салбий таъсири ҳам намоён бўлаётгани хусусида бирор таҳлил борми?

ҲАРАКАТ СЕКИНЛАШАДИ, ХАВФСИЗЛИК ОШАДИ...МИ?

Факт шуки, транспорт ҳаракатининг сунъий секинлашиши тирбандликларни кучайтиради, ёқилги сарфини оширади ва экологик чиқиндиларни кўпайтиради. Буни ҳеч ким инкор этмайди!

Кўпчилик ўйлаши мумкин: "Ҳаракат секинлашади, хавфсизлик ошади". Бу назарий жиҳатдан тўғри, аммо шаҳар ичидаги транспорт оқими тизимли мувозанат билан ишлайди. Ҳаракат шиддати сунъий равишда пастлатилганда бир бурчақда ҳосил бўлган кичик "тўсиқ" тезлик билан умумий оқимга тарқалади, светофорларда навбатлар кескин узаяди, тезлик 60 км/соатдан 40–45 км/соатга тушиб кетади – чуқки тартиб бузмаслик учун ҳайдовчилар янада эҳтиёткор ҳаракат қиладилар. Натижада ўртача сафар вақти 10 дан 25 фоизгача ошади.

Демак, чекловни соатига 70 дан 60 километрга тушириш амалда янада пастроқ ҳаракатга олиб келади, бу эса тирбандликларни баттар кучайтиради.

ЮРИШ СЕКИН – АММО, ЛЕКИН...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, двигател учун энг маъқул тезлик шаҳар шароитида 45–60 км/соат орасида экан. Бирок бу рақам эркин ҳаракатлини шароитида амал қилади. Агар автомобиль тез-тез тўхтаб-кўзгалса, 2–3 марта кўпроқ ёқилги сарфлайди, двигателга қўшимча юклама тушади. Бу эса, ўз навбатида, қўйдаги ҳолатларни келтириб чиқаради:

Биринчидан, CO₂ чиқинди-

ларининг кескин ошиши – айниқса қатнов баланд жойларда.

Иккинчидан, NOx ва микрозарраларнинг кўпайиши – саломатликка жиддий хавф солади. Учунчидан, маҳалла ва иш жойлари атрофида ҳавонинг локал ифлосланиши содир бўлади.

Бу факт дунё тадқиқотларида бир неча марта исботланган. Масалан, Лондон ва Лос-Анжелесда ўтказилган таҳлилларда "severe congestion" зоналарида чиқиндилар 2,3 баробар кўп экани қайд этилган.

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ: КАЕРДА ҚАНДАЙ?

Германия (Берлин, Мюнхен). Маъмурий марказлар, кенг проспеклар, 2 ёки 3 қаторли ҳаракат қисмларида 60–70 км/соат меъёри қўлланилади.

ЙЎҚОТИШЛАР МОДДИЙ, ОҚИБАТЛАР ЖИДДИЙ...

Тирбандликлар сабаб ҳайдовчи ҳар куни 15–40 дақиқа кўпроқ вақт сарфлайди. Ёқилги исрофи ойлик ҳисобига 20 фоизга кўпаяди.

Ҳаво ифлосланишининг ошиши – бу фақат экологик муаммо эмас. Бу болаларда аллергия, аҳолида нафас йўллари касалликлари, ижтимоий норозиликлар каби жиддий оқибатларга олиб келади.

Статистика кўрсатадики, аварияларнинг асосий сабаблари – тезлик эмас, балки интизомсизлик, масалан, йўл бериш қоидасини бузиш, пиёдаларнинг нотўғри ўтиши, йўл белгиларининг етарлича аниқ эмаслиги, ҳайдовчиларнинг ҳа-



Аҳоли гўё "кўрқинчли тезлик" деб ҳисоблаган ҳолатлар илмий асосда рад этилган:

"Тезлик чеклови эмас, тирбандлик юқори бўлган жойда кўпроқ авария содир бўлади".

Сингапур. Автомобиль оқими қатъий тартибга солинади, аммо кенг магистралларда 70–80 км/соатга рўхсат берилади. Шаҳар хавфсизликка эришгани тезлики эмас, транспорт интизомини кучайтириши ҳисобидан.

Сеул ва Токио. Зич шаҳарлар бўлишига қарамай, марказий йўлларда 60–70 км/соат меъёр сақланган. Аварияларни камайириш йўли сифатида камералар, автомат жарима тизими, интеллектуал светофорлар, йўл инфраструктурасини яхшилаш чоралари қўлланилади.

ракат қоидаларига етарли амал қилмаслиги ва ҳоказо.

Тезликни сунъий пасайтириш эса баъзида ҳайдовчиларда асабийликни ҳам ҳаддан ортиқ кучайтиради оқибатида жамиятда ижтимоий муносабатларга ҳам путур етказилади.

НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Шаҳар ва марказларда 70 км/соатлик тезлик меъёрини қайта тиклаш керак! Бу ҳаракат оқимини барқарорлаштиради ва тирбандликни камайтиради. Энг муҳими, атроф-муҳитга қаҳқатган зарарли газларни камайтиради.

"Интеллектуал светофорлар"ни кенг жорий этиш керак. Оқим зичлигига қараб яшил ва қизил вақтларни ўзгартириб ту-



Сиз бунга нима дейсиз?

риш йўлларни сезиларли енгилаштирилади.

Пиёдалар йўлларини тўғри лойиҳалаш шарт. Пиёдалар оқими билан автомобиль оқими бир-бирини кесиб ўтиш жойларини минималлаштириш. Эстакада ва туннелларни кўпайтириш лозим.

Ва албатта, қатъий назорат ва интизом зарур! Тезликни сунъий тушириш ўрнига, қондабазарликларни камералар орқали назорат қилиш самаралроқдир.

Қолаверса, бу борадаги яна бир муҳим омили, жамоат транспорт хизматини самарали бошқаришдир. Автобус, метро ва йўналишли такси тизими қулай бўлса, шахсий автомобиллар сони камайд.

Хуллас калом, амалдаги 60 км/соат чеклови ўзини тўла оқламагани кўринмоқда. Бу чекловнинг мақсади – хавфсизлигини ошириш бўлган, лекин натижада тирбандликлар кучайди, экологик вазият ёмонлашди, иқтисодий йўқотишлар ортди.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хавфсизлики тезликини тушириш билан эмас, балки транспорт тизимини тўғри ташкил этиш билан таъминлаш мумкин.

Юртимиз келажаги, аҳолининг соғлиги ва иқтисодий самардорлики ҳисобга олган ҳолда, мазкур чеклов қайта кўриб чиқирилиши, илмий асосланган қарор қабул қилиниши лозим.

Бугунги кун талаб қилаётган нарсаси – шошма-шошарлик билан эмас, балки тўлиқ таҳлил, тажриба ва ҳужжатга асосланган қарорлардир.

Шундангина Тошкент ва вилоят марказларини ҳақиқатда замонавий транспорт тизимига эга, экологик жиҳатдан соғлом шаҳарларга айлантириш мумкин.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

▼ ЭЪЛОН

«ELEKTRON REALTOR» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади!

<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қарорига асосан "O'z sanoat qurilish bank" АТБ балансида бўлган:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш кўчаси, 5а-уйда жойлашган, 	<p>нотура бино иншоот;</p> <ol style="list-style-type: none"> 2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Гулбахор" МФЙда жойлашган, 35 турдаги текстиль дастгоҳлари сотилади. <p>– Сотилиш шартини ва нархи билан www.e-realtor.uz сайти орқали танишиш мумкин.</p> <p>– Савдога қўйилган мулклар билан</p>	<p>бевосита жойига қиқиб танишиш мумкин.</p> <p>– Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-realtor.uz платформаси орқали ариза беришлари мумкин.</p> <p>Колл-центр: +99855-517-22-20.</p> <p>Расмий сайтими: www.e-realtor.uz</p>
--	--	--

▼ Спорт

Футбол бўйича 2026 йил Америка қитъасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати-га қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур жараён биз учун дунёнинг энг кучли 48 тарма жамоаси иштирок этадиган бу галли мундиалда вакилларимизнинг илк бор қатнашаётгани билан аҳамиятли эди.

РАҚИБЛАР ЖИДДИЙ

Қўрғада Ўзбекистон миллий тарма жамоаси 3-саватчадан жой олди. Бу ҳамюртларимизга камда иккита кучли жамоа тўқнаш келади дегани эди. Қўрға натижаларига қўра вакилларимиз Криштиану Роналду бошчилигидаги Португалия ҳамда Жанубий Американинг номдор тарма жамоаларидан бўлган Колумбия билан бирга "К" гуруҳида жой олди. Сўнги тўртинчи жамоа эса Африка қитъаси саралашда иштирок этаётган Конго, Ямайка ёки Янги Каледониядан бири бўлади.

Кўрғидан Португалия, рақиблар анча жиддий. Португалия тарма жамоаси 2016 йилги Европа чемпионати ҳамда 2019 ва 2025 йилги УЕФА Миллатлар лигаси голиби саналади. Таркибда Криштиану Роналду, Бруну Фернандеш, Витинья, Жоао Феликс, Рафаэл Леау сингари жаҳон юлдузлари ҳам бўлган португаллар айни дамда ФИФА рейтингда 6-погонани эгаллаб турибди. Улар галаба қозонмаган ягона нуфузли мусобақа жаҳон чемпи-

ИЛК МУНДИАЛДАГИ КАТТА СИНОВ

онати саналади. Европаликлар 2026 йил Америка қитъасида ўтказиладиган мундиалда ана шу кемтинги тўлдиршига ҳаракат қилишади. Мухтасар айтганда, нафақат гуруҳдаги, балки чемпионатдаги фаворитлардан бири.

Колумбия тарма жамоаси ҳам куч жиҳатдан Португалиядан кам эмас. Бу мамлакат номини эшитганда аксар футбол мухлислари кўз олдида 2014 йил Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионати гавдаланса ажабмас. Боиси, улар ўша мусобақада нималарга қодирлиқларини кўрсатишган эди.

Таркибда ўз вақтида "Реал Мадрид", "Бавария" сингари клубларда порлаган, 2014 йилги жаҳон чемпионати тўпурари Хамес Родригес ҳамда ҳозирда "Бавария" сафида етакчи ўйинчилардан саналган Луис Диас бошчилигидаги колумбияликлардан мутахассислар мазкур мундиалда ҳам кўп нарсани кўтишмоқда. Айни пайтда ФИФА рейтингда 13-ўринни эгаллаб турган Жанубий америкаликлар гуруҳ голиблиги учун айнан Португалия билан беллашиши тахмин қилинмоқда.

лар таркибда ҳаракат қилишмоқда. Умуман олганда жамоанинг 13 нафар аъзоси дунёнинг "Кучли бешлик" чемпионатларида (5 нафари Англия, 4 нафари Франция, 3 нафари Испания) ҳамда 1 нафари Германияда) тўп тезда. Таққослаш учун, бизда атиги бир нафар футболчимиз – Абдуқодир Хусанов "Кучли бешлик"да (Англиянинг "Манчестер Сити" клубида) ҳаракат қилади.

Ҳа, жамоамизни анча жиддий синовлар кўтиб турибди. Бирок, бу жаҳон чемпионати. Унда сенсациялар кузатилиши оdatий ҳолга айланиб қолган. Бизнинг ҳозирги қисматими 2014 йилги жаҳон чемпионатидаги Коста-Риканики билан деярли бир хил. Ушунда 24 йиллик танаффусдан сўнг илк бор мундиалда иштирок этган жамоа "Д" гуруҳида Англия, Италия ва Уругвай билан бир гуруҳдан жой олади. Турнир аввалида оддий футбол мухлисидан тортиб футбол экспертларигача яққол аутсайдер сифатида Коста-Рикани кўрсатишади. Улар таркиб жиҳатдан ҳам, кучли чемпионатдаги энг кучсиз жамоалардан бири эди. Бирок, яқунда улар Уругвай ва Италияни мағлубиятга учратиб, Англия билан дуранг натижа қайд этган ҳолда гуруҳда биринчи ўринни эгаллашган эди. Ушунда Коста-Рика бош мураббийи жамоага



футбол оммаси томонидан аутсайдер сифатида қаралгани уларнинг катта ютуғи бўлганини, айнан шу омили футболчиларга ортиқча босимдан халос бўлиб майдонда эркин ҳаракат қилишларига замин яратганини таъкидлайди. Шу томонлама тарма жамоамизга аутсайдер сифатида қараётганлари яқунда бизнинг фойдамызга ишлаш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

ТАҚДИР ҲАЗИЛИ

Футбол жамоамизнинг жаҳон чемпионатидаги қисмати қайсидир жиҳатлари билан футбол буйича Ўзбекистон тармаси тақдирига ўхшаш. Аниқроқ айтсак, 2016 йилда Колумбияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида тарма жамоамиз илк бор иштирок этган, айнан Португалия ва Колумбия билан бир гуруҳдан жой олган эди. Уша турнирда Колумбия билан 3:3 ҳисобида жангвор дуранг натижа қайд этганми.

Орадан 10 йил ўтиб, яна шу жамоаларга рўбарў келяпми. Фақат бу гал

футболда.

Ушунда футбол тарма жамоамиз гуруҳда 1 очко билан сўнги ўринни эгаллашган эди. Чарм тўп усталаримизнинг тақдирини футболчиларимизга ўхшамаслигига умид қиламиз.

МУНДИАЛЬ – КАТТА ИМКОНИАТ

Нима бўлгандаям жаҳон чемпионати барча тарма жамоалар учун, айниқса, биз каби илк бор иштирок этаётганлар учун катта имконият демакдир. Сабаби, бутун дунёни нигоҳи қаратилган мазкур турнирда ҳар бир жамоага ўзини кўрсатиши учун камида кафолатланган учта учрашув бор. Унда ўзини кўрсатган футболчилар фаолиятини кучли чемпионатларда давом эттириши имкониятига эга бўлади. Япония, Жанубий Корея, Австралия сингари тарма жамоа аъзоларининг Европанинг кучли чемпионатларига ўтишида айнан жаҳон чемпионатларидаги иштирок муҳим омили бўлиб хизмат қилган.

Бундан ташқари, мазкур нуфузли турнир биз учун катта тажриба майдони сифатида хизмат қилиши турган гап. Боиси, унда вакилларимиз Роналду, Фернандеш, Луис Диас сингари футбол юлдузларига қарши баҳс олиб боради. Турнирдан ташқарида бундай жамоаларга қарши ўртоқлик учрашуви ўтказиш анча қимматга тушади. Уларнинг бундай ўртоқлик ўйинлари учун белгиланган "ставка"лари бор. Жаҳон

чемпионати эса бизга текинга шундай имкониятни тақдим этмоқда.

Ва энг асосийси, тарма жамоамиз футболчилари учун мундиаль ҳақиқий бозорга айланади. Айниқса, жаҳон футбол юлдузи Криштиану Роналду билан бир гуруҳдан жой олганими бизга бўлган рақурсларни янада кўпайтириши тайин. Маҳаллий ва хорижий футбол мутахассислари тарма жамоамизнинг имкониятларини у қадар юқори баҳоламаётган бўлса-да, Аббосбек Файзуллаев, Хусниддин Аликулов, Ҳожиакбар Алижонов, Элдор Шомуродов, Абдуқодир Хусанов, Остон Ҳунов сингари футболчиларимизнинг порлашини тахмин қилишмоқда. Шу сабаб ҳам жаҳон чемпионати аввалида чарм тўп усталаримизга бўлган талаб сезиларли даражада ошди. "Истанбул Башактеш" бежиз Аббосбек учун 7,5 миллион евродан воз кечмади. Италиянинг кўп қарра чемпиони "Ювентус" Остон Ҳуновга қизиқиб қолгани ҳам тасдиқ эмас. Улар бу футболчилар жаҳон чемпионатида шов-шув кўтаришига ишоняшди. Бундан эса тарма жамоамиз фақат ва фақат манфаатдор бўлади.

Ишонимизки, тарма жамоамиз "Сехрли диёр"да ўтадиган жаҳон чемпионатининг кашфиётига айланиб, ўзбекининг ҳақиқий кучини бутун дунёга кўрсатади.

Сухробжон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" шарҳловчиси

Ташканд ва тошкандликлар

Мана, яқин бир ойдирки, Ёдгорбек Тошкандда, ахли оиласи билан Юсуфбек ҳожининг бизга яхши таниш бўлган ушал номдор хонадонда умргузаронлик қилиб, марҳум аجدодларининг чирогини ёқиб ўлтирар эди.

Шайх Ҳованд Тахур даҳа қозиси Саййид Абдуллоҳ маҳдум томонидан муҳри боҳайбат ила тасдиқланган васиятномага кўра, Юсуфбек ҳожи ва Ўзбек оймақини бор мулк-давлатига Ёдгорбек танҳо ворис этиб белгиланган эди. Аммо, сиз, ҳурматли ўқигучиларимизга аввалги саҳифалардан аён бўлган сабаблар туфайли Ёдгорбек бу ўткан йиллар ичида Марғилондан Тошкандга келиб, ўзининг шаръий меросига эгалик қилолмади.

Бу орада Юсуфбек ҳожининг садақатли хизматкори, Отабекнинг маънавий падари бўлмиш Ҳасанали ҳам меросхўрнинг йўлига кўз тика-тика бандаликни бажо келтирди. Ҳавли-жой икки-уч сана эгасиз қолгач, Ёдгорбек ниҳоят Тошканд сари азимат қилди.

Бобосининг қадрдони – марҳум Убайдуллоҳ оталиқнинг кичик ўғли Асадуллоҳ шаҳарнинг Хўқанд дарвозаси олдида унинг истиқболига пешвоз чиқиб, Юсуфбек ҳожининг ҳавлисига бошлаб келди. Ичкарига кириб, марҳум хонадон соҳиблари ҳақида тилловат қилгач, бир шода қалитни унинг кўлига тутқазди.

Ёдгорбек бир вақтлар аждоду аболари нашву намо сурган, ота-онасининг маъсуд онлари ва фожиали дамларига гувоҳ бўлган ошиён завоп сари юз тутмоққа бошлаганини кўрди. Бундаги ҳар бир иморат, қуриб-қовжирган дов-дарахтлар, чангу ғубор боқсан ашё ва буюмлар хонадоннинг тушкунлик кунларидан далолат берарди. Қай томон боқмасин, дийдорини кўрмаклик насиб этмаган онаизорининг, кундаш фитнаси, рашк қурбони бўлган бахтиқаро бир аёлнинг унсиз фарёди ҳануз янграётган каби туюлар, бўм-бўш, совуқ хоналар ютиб юборгудек бўлар эди.

Орадан икки ҳафта ўтиб, Марғилондан Зумрад биби ўғли билан етиб келди.

Ёдгорбек уларни дастлаб Тешиққоқпо мазорига бошлаб бориб, Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойма ва Кумуш қабрларини зиёрат қилдириди. Бир оқшом Асадуллоҳнинг хонадонда меҳмон бўлишди. Эски ва янги шаҳарни айланиб томоша этишди. Икки ойча бирага туришганидан сўнг у Зумрад бибига ҳавлини таъмир қилдириш нияти борлигини айтди. Уста Сайфи келиб, қизи ва набирасини Марғилонга олиб кетди. Ёдгорбек ёлғиз ўзи хайҳотдек ҳавлида туралмади, Янги шаҳардаги “Регина” меҳмонхонасининг озода бир нўмирига кўчиб ўтди.

Ҳар сахар канда қилмасдан мазоротга бора, онасининг қабри бошида ўлтириб, “Ёсин” ўқир, аллазамонда кўнгли таскин топқандек бўлиб, ортига қайтар эди. Мазор тепасига бир пайтлар марҳум отаси томонидан қўйилган хиштин сағана чўкиб, бир томонга қийшайиб қолган, қабр тошидаги:

“Бу лавҳа бир дилпорадан хусн санамига ёдгордир. Бунда мадфун¹ кундаш балосининг намоён бир қурбонидир” ёзуви ҳамда унинг остидаги:

“Аё чарх, этдинг ортиқ жабр бунёд,
Кўзим ёшлиғ, тилмида қолди фарёд.
Ҳаётим лозаридин аюрдине,
Ёқиб жоним, қулин кўкка соевурдинг”, –

деган байтлар ҳам вақт ўтиши билан хира торқан эди.

Ёдгорбек дийдори насиб этмаган муштипар волидасини кўрган инсонларни кўргиси, ҳатто мажнуна Зайнаб билан бўлса-да, сўзлашқиси келар, аммо бунинг имкони йўқ эди.

У даставвал онасининг оромоғини тартибга келтирди. Сўнгра отамерос мулкининг шикаст-рехтини тузатишқа киришди. Омилкор уста ва боғбонларни хизматқа ёллаб, барча юмушларга ўзи мутасаддилик қила бошлади.

Асадуллоҳ орада фурсат топиб, дам-бадам Ёдгорбекдан хабар олгани келиб турарди. Ундан олти-етти ёшлар чамаси катта, пахлавон, серзавқ бу йигит падари бузургворни Убайдуллоҳ оталиқ билан бу даргоҳда кўп бўлган, Юсуфбек ҳожи оиласининг тарихидан, Отабек ва Кумушнинг маҳзун ишқ қиссасидан ҳам хабардор эди. Ёдгорбек унинг акаси Ҳабибуллоҳ билан ҳам танишиб, қадрдон бўлиб олди. Оға-инилар ила икки-уч бор суҳбат қурғач, қалбида уларга нисбатан самимий бир ошнолик ҳиссини туйди. Ўқимшли, дунё кўрган, наинки Масков, ҳатто Финландия ва Олмонёда ҳам савдо дўконлари, ширкатларига эга бўлган биродарлар унинг кўзига янги замон одамлари бўлиб кўриндилар.

Ёдгорбек уларнинг Сағбон мавзесидagi Қўштут маҳалласида жойлашкан, олпа, ўрик, анжир, беҳи, ношпотилар ўрмон каби барқ уриб ўскан, қатор-қатор аймоқи тоқ ишқомлари ичра кўмилган соя-салқин, файзли чорбоғида бир неча дафъа меҳмон бўлди.

Ана шундай ўлтиришмаларда Тошканднинг дондгор олимю адиблари, бой ва савдогарлари, уламолари билан танишди. Кўп вақтини Жамоил Шоший, Ҳидоятulloҳ Мавло-

ний, мирзо Анвар қори, Зоҳир Раҳимий каби янги усул мударрислари даврасида кечирди.

“Гап мажлислари”нинг бирида фарғоналик икки меҳмон билан ҳам кўришди. Уларнинг бири – шу кунларда бутун Туркистонда донги чиққан хўқандлик Содирхон ҳофиз “Ушшоқ” айтиб, ҳаммани сел қилди.

Хўқанддан келган баланд бўйлик, йирик қуралай кўзлари шўх-мулоийм боқадирган, силлиқ мийиқли кишини Ёдгорбек дарҳол таниди: у “Фурқат” таҳаллуси ила байт битадирган Зокиржон Холмуҳаммад ўғли деган савдогар бўлиб, “Туркистон вилоятининг газити”га ёзиб турадиган номаларини Ёдгорбек мунтазам ўқиб борар эди.

Ҳабибуллоҳнинг илтмосига кўра, шоир мажлис ўрталарида “Сайдинг кўябер, сайёд” деган мусаддас ўқиди, маъносини тушунган юраклар анор каби эзилди.

Тошкандда Хўқанднинг собиқ хони Худодёрхон авлодлари ҳам истиқомат қилар экан, Ёдгорбек Ҳабибуллоҳ воситаси ила улардан бири – муҳаррир, адиб ўлароқ ном қозонган

Лекин, начора, қул сониде турган инсоннинг кўлидан не ҳам келур?

Ёдгорбек кўпдин буён Ҳабибуллоҳ ва Асадуллоҳнинг ўрисчада чечан сўзлашлари, Ўринбург ва Масковларда чиқадирган рўномаларни эмин-эркин ўқиб тушунишларига, керак бўлганда, насронийлар билан мулоқот қилиб, ҳақ-хуқуқларини тап тортмай талашшларига ҳавас ила қарар эди.

Бир куни уларнинг Кўктерак томондаги даласига сайр қилгани борганларида сўздан сўз чиқиб, Ёдгорбек ўзининг ҳам ўрис забонини ўрганиш истаги борлигини баён қилди. Бир пайтлар Минтемир муаллим билан бошлаган дарслари, афсуски, чала қолиб кеткан эди.

Марғилонлик дўстининг ниятидан воқиф бўлгач, Ҳабибуллоҳ Хоразм тупроғидан янги чиққан бир шоирнинг²:

“Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,
Тил воситаи робитаи оламиёндур”, –

деган байтини далил келтириб, Ёдгорбек-

жагини айтди ва кўярда-қўймай меҳмонни турдаги курсига ўтказди.

Бироздан сўнг ийд шарафига ясашиб-тусанган Рафоил муаллим ҳам ичкаридан чиқиб келиб, шогирди билан куюк саломлашди. Бошига ашил туслик рўйимол ўраб, олдиға оқ пешбанд таққан Афиға уларга атиргул баргидек юпқа, нафис финжонларда чой куйиб берди, сўнг дастурхонга ичига олхўри солиб, бутун ҳолида димланган лаззатлик фоз гўшти тортилди.

Таом устида Шамсулбаннот хоним Ёдгорбек билан очилиб суҳбат қурди, ўзбеклар тарихидан сўз очиб, ун еттинчи юз йилликда Фарангистон диёрида Монтескиё отлиғи машҳур бир адиб ўткани, унинг “Форс номалари” деган асари бўлиб, бош қаҳрамоннинг исми Ўзбек эканини айтди. Ёдгорбек бу гапни эшитиб, таажжубда қолди. Шамсулбаннот хоним “Бир дақиқа”, деб ичкари кириб кетди-да, зум ўтмасдан саҳтиён муқовалиқ кўҳна бир китобни олиб чиқиб, меҳмонга кўрсатди. Ёдгорбек китобни кўлига олиб арақлади, ғаройиб сувратларига тикилди. Китобнинг ёзуви на араб, на у энди ўргана бошлаган ўрис хатини эсларди. У “Ажойиб асарга ўхшайди, афсус, бизнинг тишимиз ўтмайди-да”, деб хўрсинди ва китобни бекачка қайтариб узатди. Шу пайт Шамсулбаннот хоним, кутилмаганда, агар Ёдгорбек афанди истаса, Рафоил унга фаранг тилини ҳам ўргатиши мумкин, у сизнинг тил билув иқтидорингизни доим мактайдир, деб эрига қараб кўйди.

Рафоил муаллим бунга жавобан ҳеч нарса демади. Ажабки, бутун оқшом давомида у бирон оғиз на тоторча, на ўзбекча гапирди, фақат ўрис тилида сўзлаб ўлтирди.

Кейинчалик маълум бўлдики, Шамсулбаннот хоним питирбурглик Кугушув деган нўғой миллионер зовутчининг ёлғиз арзанда қизи бўлиб, кўп йиллар муқаддам Фарангистон пойтахтидаги Сарбўн отли дорилфунунда илми тиб бўйича таҳсил олган. Шул даргоҳда Тотористоннинг Качки овулидан келиб ўқиётган бечорахол талаба – Рафоил Ғабитуф билан танишиб, бир-бирларига муҳаббат боғлаганлар, сўнгра Қозонда турмуш қурган эканлар. Хоним ота-онасининг раъйига қарши, кўнгили истаги ила оддий бир мулозимнинг этагидан тутқан, завжи Туркистон ўлкасига тилмоч қилиб хизматга юборилганда унинг ортидан шу овлоқ гўшага келиб қолган, бир муддат ҳарбий хастахонада ишлаб, ҳозирги вақтда уйда умргузаронлик қилаётган кибор бир аёл эди. Уларнинг ёлғизгина қизлари бўлиб, афсуски, пешоналарига сигмаган – беш ёшида чечак касалидан вафот эткан, шундан буён бефарзанд эканлар.

Эри истеъфога чиққанидан сўнг бир неча бор ўз юртларига қайтиб кетмоқ учун чоғланганлар, аммо ҳар сафар жажжи Аминанинг қабри бегона юртда қаровсиз қолишини ўйлаб, бунга журъат эта олмаганлар.

Рафоил абзий фаранг тили хусусида хотини айткан тақлифка мавҳум бир муносабат билдириди, лекин Ёдгорбек уни қистаб ҳол-жонига қўймади ва ойига яна йигирма беш сўм тўлаб, бир йил фаранг тилидан таҳсил олди.


Айёми Наврўзда Шамсулбаннот хоним байрам тўхфаси ўлароқ унга лутфан иккита китоб ҳадя қилди. Уларнинг бири Вўлтер деган файласуф қаламига мансуб, унда Самарқанд подшоҳи Мирзо Улуғбек номи ҳам зикр этилган экан. Иккинчиси Фердинанд Дүйшен отлиғи кишининг Жазоирдаги бадавий араблар турмушидан олиб ёзилган “Қамар” исмлиқ рўмони эди.

Ёдгорбек энди узун кечалар бу китобларни таталаб ўқийдирган бўлди.

У бир оқшом шаҳар ўртасидаги фўн Кауфманнинг ҳайкали кўр тўкиб турган хиёбон ёқалаб, муаззам истироҳат боғи олдидан ўтар экан, баланд овоз ила янграётган мусиқа садосига маҳлиё бўлиб тўхтади. Панжарадан ичкари боқиб, кундек оппоқ сипоҳий либос кийган бир даста чолғучиларнинг сурнай ва кўс ногорага ўхшаб кетадирган ялтироқ мис асбобларда қандайдир жанговар таронани ижро этаётганига кўзи тушди. Анча вақт хушро оғиб уларга тикилиб қолди, кўнгли шу гўшага кирмоқчи истади ва боғ дарвозасини излаб кетди.

Кўча томондаги майдонда қатор-қатор изовш ва фойтўнлар тартиб ила тизилган, башанг кийинган, шамсия тутган ўрис эркак ва аёллар кириб-чиқиб турган ҳайбатли чўян дарвоза олдиға келиб тўхтади. Хаёли ҳамон жўшқин мусиқа садолари ила банд экан, боғ саҳниға қадам қўйди. Шу асно оқ камзулли, нукраранг попоқ қалпоғини манглайига қадар бостирган, белидаги энли камарига узун қилич оскан мишраб унинг йўлини тўсди, мутанаффир⁶ кўзларини қақчайтириб хўрайди ва дарвоза пештоқидagi ёзувни кўрсатиб, имо қилди. Ёдгорбек бошини кўтариб, тепаға қаради ва у ерда: “Сартлар ва итларга кириш манъ этилури!” деган ёзув битилганини кўрди...

Ким билсин, балки шу лаҳзада у Рафоил муаллимдан ўрис тилини ўрганганиға ҳадиш пушаймон бўлгандир. Зеро, ул шу қабиҳ тақикни ўқиб тушунмаса, дилидаги дарду алам бу қадар аланга олмас ва эҳтимолки, ғафлат босиб ётқан фикр кўзи ҳам чарақлаб очилиб кетмас эди...



(Романдан боб)

Фансуруллоҳбек билан танишди.

Фансуруллоҳбекнинг гоҳ Занжирик маҳалласидаги ҳавлисида, гоҳ эса қайинотаси Жўрабек додхоқ²нинг Қорасувдаги чорбоғида шаҳарнинг казо-казолари дам-бадам йиғилишиб, анжуман қуришар, Ёдгорбек бундай гап-гаштаклардан ҳар сафар оламшумул таассуротлар ила фикри ўсиб қайтар эди.

Оқшомлари шаҳар кўчаларини ёлғиз кезар экан, бир ҳақиқатга амин бўлар эди. Яъни, Тошканд чор ҳукумати томонидан фахт этилгач, бу ерда янги шаҳар бино бўлган, аммо унинг ўрда кўпригидан наридаги қадимий қисми “Эски ҳаммом – эски тос” деган иборани гўёки тасдиқлагандек, ўзгаришсиз қолган эди.

Дарҳақиқат, Тошканд бундан ниҳоятки қирқ йил муқаддам бир мусулмон мамлақати бўлиб, бу кун Ўрусияга тобеъ умум Туркистон ҳамда Фарғона ва Сирдарё вилоятларининг марказидир. Тошканд хорижда бир шаҳар деб тасаввур қилинса ҳам, бу ерда у икки мамлакат каби кўч даҳага бўлинури. Яъни, ўрусия даҳаси ва ахли ислом даҳаси. Ўрис Тошкандида гоят тартибли бино ва савдо уйлари, текис кўча ва иморатлар, иликтрик³ нурларида сайр қилиб юришлар Оврупоининг бир намунасидир. Аксинча, ислом Тошканди бундан беш юз йил аввал қандоқ бўлса, ҳамон ўша аҳволдадур. Илк баҳорда, кўпкам охирида лой-балчиққа ботқан бу шаҳар ичидан пиёда юриб ўтмоқнинг мутлак илжои бўлмағи қолдир. Чунки бу йўлларда фақатгина от-улов бирлан юрмоқ мумкиндир. Ҳолбуки, Тошканд яхлит бир шаҳардир. Умум аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардир. Даромад асосан мусулмон қисмидан олинур. Фақат насроний идораларига сарф қилинури. Ҳокимият қуввати келгундигарда, мамлакат даромади ва ер-мулк эгалари ҳам улардир. Янги шаҳар қисмидаги йўлларга умум даромаддан пул ажратилур, аммо исломий қисмининг йўлларига бир сўм ҳам сарфланмас. На бир текис йўл, на бир чироқ бор, ҳеч вақо йўқ...

Бир ўлтиришда Асадуллоҳ хонуб бўлиб ушбу сўзларни айткан эди:

“Вазиятини англамоқ учун таққослаб кўрайлик: Тошканд аҳолиси шу кунларда жами икки юз минг киши бўлиб, улардан ўн саккиз фоизи насронийлар, бошқаси мусулмонлардир. Шаҳар идорасида жами етмиш икки аъзо бор, булардан йигирма тўрт нафари – мусулмон, қолгани – насронийдир. Бас, бу ҳолда инсонийлик ва тенглик, ўзаро дуруст муомала ва муносабатлар бўлмоғи мумкинму?”

Кишининг иззат-нафисини қора туфроқ билан тенг қиладиган бундай тартибот, табиийки, мажлис аҳлининг қаҳрини кўзғар эди.

¹ Мадфун – дафн этилган.
² Додхоқ – бу уринда: генерал маъносиде. Туркистоннинг машҳур сийёси ва ҳарбий арбоби Жўрабек Қаландарбек ўғли (1840–1906 йй.) назарда тутилган.

³ Иликтрик – электр.

⁴ Аваз Утар (1884–1919 йй.)

⁵ Узиқайнар – самовар.

⁶ Мутанаффир – нафратли.

⁷ Чор Россияси даврида Тошкентнинг марказий боғи дарвозасига шундай деб ёзиб қўйилган.



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o’rinbosari, nashr uchun mas’ul:

Subrobjon SADIROV

Mas’ul kotib: Alloma AZIZOVA

Ekspeditor: Behruz NURBOBOYEV

Qabulxonasi: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari: (55) 520-04-10

Mas’ul kotib: (55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi: (55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 20.00.

Nashr ko’rsatkichi – 205.

Buyurtma G-1235.

2 430 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo’li ko’chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko’chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tahir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.